

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ СУҒУРТА
НАЗОРАТЧИЛАРИ ХАЛҚАРО УЮШМАСИГА КИРИШИ ТЎҒРИСИДА**

(Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 37-38-сон, 372-модда)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон қарорини ижро этиш юзасидан ҳамда суғурта фаолиятини назорат қилиш ва тартибга солиш соҳасида халқаро ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Вазирликнинг Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига (СНХУ) кириши тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ташқи ишлар вазирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига кириши билан боғлиқ зарур тартиб-қоидаларни белгиланган тартибда амалга оширсин.

3. Белгилансинки, Суғурта назоратчилари халқаро уюшмасига йиллик бадаллар тўлаш бўйича сарф-харажатлар ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг харажатлар сметасида назарда тутилادиган бюджет маблағлари ҳисобига амалга оширилади.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2008 йил 8 сентябрь,
202-сон